

АБУ НАСР ФАРОБИЙНИНГ “ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИ” АСАРИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТЛАР

*Фазлиддинова Фарида Насриддин қизи
ИИВ Академияси 312-гурӯҳ курсанти*

Аннотация: Мазкур мақола ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги таълимотлар тушунчаси, моҳияти, ахамияти ва ўзига хос жиҳатларини ўрганиш. Бундан ташқари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид таълимотлардан кенг кўламли фойдаланишни такомиллаштириш. Айниқса бу борада Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асаридан фойдаланишга катта аҳамият берилган. Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида таърифланган фозил одам хислатларидан аҳолининг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини янада оширишда фойдаланиш

Annotation: To study the relevance and necessity of the topic of the dissertation, the concept, essence, significance and specifics of the doctrine of crime prevention. In addition, to improve the widespread use of the doctrine of crime prevention. given. The use of the virtues of the noble man described in Abu Nasr al-Farabi's "City of Fazil Men" in further raising the legal awareness and legal culture of the population.

Kalit soʻzlar: qonun, Абу Наср Фаробий, “Фозил одамлар шаҳри” Voyaga yetmaganlar, vatanparvarlik, huquqbuzarliklar profilaktikasi, Jamoat xavfsizligi

Kirish: Жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат куриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топмоқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтириш ва уларга комплекс ёндашиш, идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш,

ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан бир қаторда, бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳам устувор вазифаси этиб белгиланиши бу борада уларнинг олдида алоҳида вазифалар белгилаб берилиши ҳуқуқбузарликлар профилактикасида самарали натижаларга эришишга имкон берди. Ҳозирги вақтда минтақамизда ва дунёда ҳукм сураётган, олдиндан айтиб бўлмайдиган мураккаб шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканини барчамиз чуқур англаймиз. Бу эса ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз ва йўл қўйган камчиликларимиз, тўпланиб қолган муаммоларни чуқур таҳлил қилиш, бугун ҳаётнинг ўзи илгари сураётган талабларни ҳисобга олишни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир таълимотларга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси билан боғлиқ илк ғоя ва қарашлардан тортиб, бу борадаги турли тарихий даврларда илгари сурилган фикрлар ва қарашлар, шунингдек бугунги куннинг замонавий таълимотларини киритиш мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар - илк давлатлар пайдо бўлган вақтдан то бугунга қадар ёмон ҳулқ, ёмон одат, инсонларга бирор бир хатти-ҳаракатни қилишни тақиқловчи қоидалар, жамият томонидан қораланган бошқа ҳолатлар ҳақидаги фикрлар, қарашлар ва ғояларнинг йиғиндисидир. Қадим қадимдан ҳар бир давлатда жамият аъзоларининг ўз менталилети, турмуш тарзи, урф-одати ўзгача бўлиб шулардан келиб чиқиб турлича ғоялар ва қарашлар пайдо бўлган. Кўпинча ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотлар замонасининг олим ва файласуфларининг ёзган асарларида намоён бўлган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг ривожланиш босқичларини даврларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда қуйидаги бешта босқичга бўлинади:

Биринчи давр, қадимги давр илк давлатлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб то IX асрларгача, бу даврда Ўрта Осиё хусусан Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган қадимги илк қулдорлик давлатлари Кушонлар, Хоразм, Довон давлатлари давридан Ўрта Осиёга форслар, юнон-македонлар, араблар босқини даврларини ўз ичига олиб, у даврда “Авесто” китобининг яратилиши ва мусулмонларнинг нозил бўлган муқаддас ва улуғ китоби “Қуръони карим” каби манбааларида асосий таълимотлари яратилди.

Иккинчи давр, IX аср (илк уйғони даври)дан XIX асрларни ўз ичига олади ва бу даврда Араб босқинидан кейинги Ўзбекистон ҳудудидаги мустақил давлатлар Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар, Хоразм

давлатлари, муғуллар хукмронлиги, Темурийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар давлатлари ҳамда Хива, Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлиги хукмронлик қилган даврлардаги таълимотлар билан белгиланади. Бу даврда Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари” асари, Навоий, Бобур, Гулханий, Фурқат, Ахмад Дониш ва бошқа шунга ўхшаш файласуф, давлат арбоби ва шоир-ёзувчиларнинг асарларида ҳуқуқбузарлик профилактикасига оид таълимотларнинг ўзига хос ғоя ва фикрлари яратилди.

Учинчи давр, Чор Россияси даври бўлиб, бу даврда Ўзбекистонлик жадидчилик ҳаракати намоёндаларининг асарларида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик таълимотлари яратилди. Жумладан, Абдурауф Фитрат, Абдулхамит Чўлпон, Абулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашитхонов, Абдулла Авлоний каби жадидчилар ўзларининг кўплаб асарларида фикр ва ғояларини илгари сурдилар. Уларнинг ғояларида озодлик, ҳуррият ва миллийлик катта ўринни эгаллаган. Шук даврда яратилган Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Падаркуш” асари фарзанднинг тарбиясидаги камчиликлар, вояга етмаганларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиши ва аксинча бўлса падаркуш каби жиноятчи болалар пайдо бўлишини очиб берди.

Тўртинчи давр, Собик Иттифоқ даври бўлиб, бу даврда криминолог олимларнинг жиноятчилик ва уни олдини олиш ҳақидаги илмий асарларида фикр ва қарашлар ёритиб берилди.

Бешинчи давр, бу Ўзбекистоннинг мустақилликка эришган кундан бугунги кунга қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эркин демократик давлат қуриш принципи асосида яратилаётган миллий қонунчилигимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳақидаги таълимотларнинг мазмун ва моҳиятини англаб олишимиз мумкин

Миллий давлагчилик илдизлари уч минг йиллик тарихга эга булган Ўзбекистон Республикаси XXI аср бусағасига келиб ўз миллий мустақиллигини қулга киритди. Бой миллий-маънавий меросимизни кайтадан ўрганилиш, ўзликни англаш, аجدодларимиздан мерос миллий кадриятларни, узоқ тарихга эга булган миллий давлатчилигимиз анъаналарини таҳлилдан ўтказиш кун тартибига чиқиши долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Миллий кадриятлар ва маънавий-илмий меросни замонавий умуминсоний кадриятлар билан уйғунлаштириш миллий истиклолни мустаҳдамлаш ишининг муҳим бир қисмидир. Айти пайтда, миллий давлатчилигимиз тарихини, юртимизда давлат ва қонунчилик борасидаги сиёсий-ҳуқуқий билимларни ривожланиши жараёнларини яхши англаб, билиб олиш учун жаҳон тарихидан, дунё маклакатларида бу соҳада кечган жараёнлардан яхши хабардор бўлиш зарур. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек «Эркин фуқаролик жамиятига

дунёдаги кўпкўп давлатлар асрлар давомида тўплаган тажриба ва демократик анъаналарни ривожланиш босиб ўтиб келган Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва унга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний кадрларни ижобий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим». Бинобарин, вақт ўтган сари инсоният ортирган тарихий тажриба ва билим, маънавий-маданий мерос кулами ортиб бораркай, ўз навбатида тарихнинг ҳам давр учун булган ахамияти кучайиб боради. Тарихнинг бундай умуминсоний маърифий, маънавий-тарбиявий кадрларлари жаҳон мамлакатлари сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлари тарихига ҳам тўла тегишлидир. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар давлат ва ҳуқуқни пайдо булиши натижасида вужудга келган. Сиёсий таълимотлар кенг маънода жамиятдаги синфлар, табақа ва тоифалар, миллатлар ва элатлар, шунингдек, давлатлар уртасидаги муносабатларни ифода эгувчи ғоялар, қарашлар ва вазифаларни ўз ичига олади. Бу қарашларнинг ўзагини ҳокимият масаласи, давлат тузиш ва бошқариш услублари масалалари ташкил қилади.

Абу Наср Фаробий – ўрта аср шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юнон фалсафасининг Шарқдаги энг йирик давомчиси ва тарғиботчисидир. У Сирдарё бўйидаги Ўтрор (Фароб) шаҳрида 873 йилда туғилиб, Шош (Тошкент), Бухоро шаҳарларида ўқиди, сўнг халифлигининг маркази Бағдод шаҳрига бориб, у ерда кўп йил истиқомат қилди. Юнон файласуфларининг асарларини мутолаа қилиш, турли тилларни ўрганиш билан шуғулланди. Умрининг сўнгги йилларида Дамашқда яшади. 950 йилда вафот этди. У турли соҳаларга оид илмий асарлар қолдирди. У ўз даврининг файласуфи, мусиқачиси, шоири, қомусий олими сифатида шуҳрат қозонди. У “Ақл ҳақидаги рисола” “Фалсафадан олдин нимани ўрганиш керак”, “Фалсафа манбалари”, “Масалалар манбалари” каби 160 дан ортиқ рисолалар яратди. Яқин ва Ўрта Шарқда «Иккинчи муаллим» деб ном қозонган Марказий Осиёлик машҳур олим Абу Наср ал-Фаробийнинг мантиқ илмига қўшган ҳиссаси беқиёсдир. Фаробий ҳали ҳеч бир мутафаккир уддалай олмаган вазифани, яъни Арастунинг ва умуман қадимги грек мантиғини кенг тингловчилар ўрганиши учун энг оддий, тушунарли восита ва услубларини ишлаб чиқишга муваффақ бўлган. Мантиқ тарихчиларининг таъкидлашича, Фаробий бу тавсиялари билан Арастунинг мантиғига ўзгача файз киритиб, унинг китобхонлар орасидаги мавқеини янада кўтарилишига эришди. Фаробийнинг мантиққа оид асарлари жумласига «Исагувчи» (кириш), «Мақулот» (Категория), «Ибора» (Ҳукм), «Қиёс» (Силлогизм), «Биринчи аналитика», «Бурхон» (Исботлаш-иккинчи аналитика), «Джадал» (Мунозара «Диалектика»), «Сафсата» (Софистик раддия), «Хитоба» (Риторика), «Шеър» (Поетика), «Мантиқ илмига кириш»,

«Ақл ҳақида» «Силлогизм» ва «Шартли ҳукмлар» каби китобларини киритишимиз мумкин. Форобий ўзининг асарларида мантиқ илми, унинг предмети, тузилиши, вазифалари, фикрлаш жараёнининг босқич ва шакллари, мантиқий қонунқоидалари, усул ҳамда амаллари ҳақида кенг маълумотлар берган. Форобийнинг асарларида тушунча, ҳукм ва хулоса каби тафаккур шакллари жуда кенг, қамровли ва батафсил изоҳланади. Айниқса, силлогизм, унинг пайдо бўлиш асослари, фигура ва модуслари кўп ўрганилган. Форобийнинг таърифлашича, тушунча – универсал табиатга эга, ҳиссий идрок қилинувчи нарсалар ҳақида билим берувчи категория. Бундан ташқари, Форобийнинг мантиқ тизимида тушунчани шакллантиришнинг усул ва амаллари, турлари ҳамда уларнинг ўртасидаги муносабат масалалари ҳам кенг ўрин олган. Форобий ўз мантиғида силлогизмлар таълимотига катта эътибор беради. Силлогизм икки ва ундан ортиқ ўзаро боғланган асослардан мантиқан келиб чиқувчи хулосанинг ўзига хос тури сифатида таърифланади. Форобий фалсафа, диалектика, софистика, риторика ва поетика каби беш силлогистик санъат турларини алоҳида ажратиб кўрсатади. Силлогизмнинг структураси ҳақида гап кетганда, уни катта асос, кичик асос ва натижа кабиларга бўлади.

Форобий инсоннинг маънавий ҳаётида, асосан, унинг икки томонига: ақли-онгига ва ахлоқига (хулқ-атвориға) эътибор беради. Шунинг учун таълим-тарбия, унинг фикрича инсонни ақлий томондан ҳам, ахлоқий томондан ҳам этук мукамал киши қилиб етиштиришга қаратилмоғи лозим. Демак, таълим-тарбиянинг бирдан бир вазифаси- жамият талабларига тўлатўкис жавоб бера оладиган ва уни бир бутунликда, тинчликда, фаровонликда сақлаб туриш учун хизмат қиладиган идеал инсон тайёрлашдир. “Идеал шаҳар аҳоли илмининг фикрлари” ҳамда “Бахт-саодатга эришув ҳақида” номли рисоаларида олимнинг бу фикрлари аниқ ифодаланган.

Форобий “Фозил шаҳар аҳолиснинг маслағи” рисоласида жамият (“инсон жамоаси”)нинг келиб чиқиши ҳақида бундай ёзади: “Ҳар бир инсон табиатан шундай тузулганки, у яшар ва оилй даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғулади...Бундай жамоа аъзолрининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсалоарни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада, инсон жамоаси вужудга келди”.

Форобий “Фозил жамият ва фозил шаҳарлар (давлат) шундай бўладикки, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар биро дам касб-ҳунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар... Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади”, дейди. Форобий бундай фозил жамоани

бошқарувчи подшо, раҳбарларга ҳам маълум талаблар қўяди. У хал ҳақида доим ғамхўрлик қилиши, бошқалар манфаатини ўз манфаатидан қўя билиши зарур. Бундай жамоани идора этувчи ёки идора этувчилар гуруҳи ўзларида муҳим олтин хислатни ифодалаши керак, яъни:

- ☆ Адолатли бўлиш.
- ☆ Доно бўлиш – билимли бўлиш.
- ☆ Қонунларга риоя этиши.
- ☆ Қонунлар ярат олиши.
- ☆ Келгусини олдиндан кўра билиш.
- ☆ Бошқаларга жамхўр бўлиши керак.

Форобий инсон бахт – саодатга эришуви учун уларни бахтли – саодатли қила оладиган жамоа раҳбари бўлиши керак дейди. У фозил шаҳарни бошқарадиган Ҳоким табиатдан: 1 – соғ – саломат бўлиб, ўз вазифасини бажаришда ҳеч қандай қийинчилик сезмалиги; 2 – табиати нозик, фаросатли; 3 – хотираси мустаҳкам, 4 – зеҳни ўткир, 5 – ўз фикрини тушунтира оладиган нотик, 6 – билим-маърифатга ҳавасли, 7 – таом ейишда, ичимликда, аёлларга яқинлик қилишда очофат эмас, аксинча, ўзини тия оладига бўлиши (қимор ёки бошқа ўйинлардан) завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши, 8 - ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган, 9 – ўз қадрини билувчи ва ориятли бўлиши, 10 – мол дунё кетидан қувмайдиган, 11 – адолатпарвар, 12 – қатиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши муҳимлигини қайд этади. Форобий бу фазилатларни ҳар бир етук инсонда кўришни истайди. Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларни турли белгиларга қараб гуруҳларга бўлади. Бунда у, кишиларнинг диний машабига, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, ақлий иқтидорига, билим кўникмаларига эътибор беришлик зарур дейди. У ўзининг «Бахт саодатга эришув йўллар ҳақида рисола» асарида «Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт – саодатга олиб боришдир, - деб ёзади. У, - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритади». Форобий давлатни етук шахс бошқариши лозим дайди; яъни жамоани идора этувчи адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиши ва қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билиши, бошқаларга ғамхўр бўлиши лозим дейди.

Абу Наср Форобий кимлар раҳбарлик қилишга муносиб бўлиши мумкин деган масала хусусида ўз фикр – мулоҳазаларини давом эттириб, таъкидлайдики, мубодо шу олти хислатнинг барчасини ўзида жамлаган бир одам топилма-са, фозиллар шаҳрига раҳбарликка ана шундай фазилатли икки кишини (бири – донишманд, иккинчиси қолган хислатлар соҳиби бўлса) қўйиш зарур. Агарда қайд этилган хислатлар бир эмас, бир неча кишиларда бўлса (яъни, бирида у, иккинчисида бу, учунчисида ё тўртинчисида бошқа хислатлар

мужассам бўлса), яна шу фозил инсонлар гуруҳини юрт раҳбарлигига кўтариш маъқул деб маслаҳат беради. Унинг фикрича, ана шу гуруҳ инсонлар ҳамжихат бўлиб, ўзаро бамаслаҳат, келишиб иш тутса, шаҳар яхши бошқарилади, ҳар бир фозил ҳоким бўлиши мумкин. Лекин, фозиллар шаҳрига ҳокимлик қилаётган кишилар барча зарур хислатларга эга бўлсаю, аммо, донишмандлик бўлмаса, фозиллар шаҳри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шаҳар ҳалокатга юз тутади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асари биз келажак авлод учун нафақат буюк маънавий мерос бўлибгина қолмай балки юксак савияли ҳуқуқий мерос ҳам ҳисобланар экан. Абу Наср Фаробийнинг таълимотларидан давлат бошқарувида фойдаланиш ҳозирда асосий мавзулардан бирига айланиб бораётиб десақ адашмаган бўлардик. Шу билан бир қаторда ушбу таълимотлардан ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳам фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шу билан бир қаторда ўтган қисқа давр ичида ички ишлар тизими ва унинг фаолиятини тубдан яхшилаш, борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таҳлилига таяниб, ички ишлар органлари фаолиятига янги тартиблар ва механизмларнинг жорий этилганлигини инобатга олган ҳолда айтиш мумкинки, тизимдаги ислоҳотларнинг биринчи босқичи яқунланди. Ушбу босқич яқунларини сарҳисоб қилар эканмиз, соҳада дастлабки самаралар кузатилаётганлигини қайд этиш жоиз. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида салмоқли натижаларга эришилди. Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб бораётган, демократия адолат, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципларига амал қилинаётган бугунги кунда фуқаролик жамияти ва демократик давлат куриш масалалари бўйича муҳим аҳамият касб этган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланган профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.2023
2. Мухитдинова Ф.А. Сиёсий ва ҳуқуқи таълимотлар тарихи-2011
3. Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» асари, 2016.-320 б.
4. Аль-Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата.:1970. 303.с
5. Lex.uz (normativ hujjatlarbazasi)
6. <https://uz.wikipedia.org/> (Qidiruv resurslar bazasi)